

## А Ж Р И М

2019 йил октябрь ойининг 11 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди, Уйғур тор, Қизил шарқ 4-берк кўчаси, 7-уйда сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья: А.Юлдашев, судья ёрдамчиси Ш.Мирмахмудованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтоҳур туман прокурори ёрдамчиси Х.Саломов, жабрланувчи А.Саитмуратовнинг иштирокида, [REDACTED] га нисбатан 1-1003-1902/304-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, уй бекаси, оилали 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, [REDACTED]

истиқомат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумонланган.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] 2019 йил 24 август куни соат 08:00да ўзига тегишли “Жентра” русумли, 01 W 212 WA давлат рақамли автомашинасини тегишли ҳужжатлар асосида бошқариб кетаётганида, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кўкча дарвоза кўчаси ва Нурафшон кўчаси кесишган чорраҳадаги пиёдалар ўтиш жойига етганида, йўлда бўлган ҳолатга ва ўзгаришларга эътибор бермасдан “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди “г” қисми (ҳаракатланиш жараёнида ҳайдовчининг мажбурияти ҳисобланган пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриш) ва ЙХҚ 77-бандининг 1 ва 3-қисмлари талаблари бўлган пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўрмасдан, тезлик ҳайдовчига қоидалар бажариш учун унинг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида хавф пайдо бўлса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриш лозимлиги ҳақидаги талабларга амал қилмасдан, йўлнинг қарама-қарши томонига ўтаётган пиёда А.Саитмуратовни бошқарувидаги автомашина билан уриб юбориб, унга оғир тан жароҳати етказган.

Суд-тиббий экспертизаси 2019-йилнинг 29 августда А.Саитмуратов бош мия чайқалиши, ўнг болдир суягини, дунглигини ва кичик болдир суягини ёпиқ синиб қониқарли туриши, юқори лаб чап томонини эзилиб-йиртилган жароҳатлар олганлиги, ушбу жароҳатлар оғир тан жароҳати ҳақида хулоса берган.

Судда гумон қилинувчи Н [REDACTED] 2019 йил 14 август куни соат 08:00да давлат рақами 01 W 212 WA бўлган “Ласетти Жентра” русумли автомашинасида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кўкча дарвоза кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келиб, Кўкча дарвоза кўчаси ва Нурафшон кўчаси кесишган чорраҳасида, пиёдалар ўтиш жойига келганлиги, йўлнинг қарама-қарши томонига ўтаётган пиёда А.Саитмуратовни бошқарувидаги автомашинаси билан уриб юборганлиги, натижада йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, А.Саитмуратовнинг тан жароҳати олишига сабабчи бўлганлиги, ҳозирда айбига тўлиқ иқрорлиги, суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўраган.

Судда, жабрланувчи А.Саитмуратов 2019 йил 14 август куни соат 08:00да Шайхонтоҳур тумани, Кўкча дарвоза кўчаси ва Нурафшон кўчаси кесишган чорраҳадан ўтаётганлиги, тергов даврида таниган Н.Музафарова бошқарувидаги давлат рақами 01 W 212 WA бўлган “Ласетти Жентра” русумли автомашинасида уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этганлиги, натижада тан жароҳати олганлиги, суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Н.Музафаровага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд тарафидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд, жиноят иш ҳужжатлари, гумон қилинувчи Н.Музафарова ва жабрланувчи А.Саитмуратовнинг судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризалари билан танишиб, ишда қатнашаётган прокурор ёрдамчисининг гумон қилинувчи Н.Музафаровага нисбатан жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги хулосаларини эшитиб, ярашувнинг ихтиёрийлигини, гумон қилинувчи Н.Музафарованинг айбига иқрорлигини, жабрланувчи А.Саитмуратов гумон қилинувчи Н.Музафаровага нисбатан даъвоси йўқлигини, гумон қилинувчи Н.Музафарова ва жабрланувчи А.Саитмуратов аризаларини ихтиёрий равишда ёзганликларини, улар ярашувга рози эканликларини инobatга олган ҳолда гумонланувчига нисбатан жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан, гумон қилинувчи Н.Музафарованинг айблилик масаласини ҳал этмай, томонлар ярашуви муносабати билан жиноят ишини ҳаракатдан тугатиб, гумон қилинувчи Н.Музафаровани жиноий жавобгарликдан озод қилишни ва жабрланувчи А.Саитмуратов Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисми талабларини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд ажрим қилади,

